

O'ZBEKISTON OVOZI

ИЖТИМОЙ-СИЙOSIY GAZETA

• 2006-yil • 22-aprel • Shanba • 47 (27.539) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ХИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКISTОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх 2006 йил 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади. Ташриф асосида ўтадиган музокараларда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларида ҳам-корликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади. Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

«ЎЗБЕКISTОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАҲҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚОДИР БЎЛГАН КУЧ»

— Элчи жаноблари, Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги дипломатия миссиясига раҳбарлик қилаётганингизга ярим йилдан ошди. Суҳбатимизни Ўзбекистон ва унинг халқи тўғрисидаги таассуротларингиздан бошласак.

— Тошкентга келишим арафасида мамлакатингизда мендан аввал хизмат қилган ҳамкасбларим бу ерда мени жуда илиқ қутиб олишларини айтган эдилар. Айтишим керакки, уларнинг гаплари тўлиқ тасдиғини топди! Ўзбекистоннинг нафақат бой табиий захиралари, балки оқўнгил ва меҳнатсевар халқи ҳам бор. Вазириликларда ҳам, бозорларда ҳам мен одамларингизнинг «ҳиндистонлик меҳмон»га нисбатан самимий ва дўстона муносабатда бўлаётганини ҳис қилиб тураман. Бундай муносабат фақатгина Тошкентда эмас, балки Қорақалпоғистонда ҳам бирдай кузатилади. Менда шаҳар ва кишлоқларингиздаги тозалик ва озодалик катта таассурот уйғотди. Бу борада хиндистонликлар сизлардан ибрат олса арзийди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил апрель ойида Ҳиндистонга буюрган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очди. Уша ташрифининг натижалари ҳусулдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ташриф том маънода

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Сканд Ранджан Тайалнинг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоблари



тарихий аҳамият касб этиб, икки томонлама алоқаларимиз ривожига яхши туртки берди. Шунинг таъкидлашга айтиш керакки, мамлакатларимиз ўртасида юқори даражадаги таширлар мунтазам равишда бўлиб туради. Бу эса кўп асрлик тарихга эга бўлган алоқаларимиз ва чуқур маданий ўхшашлигимиздан далолатдир.

Ўзбекистон Президентининг ўтган йилги ташрифи чоғида қатор муҳим битимлар имзоланган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Шу жумладан, бошқа келишувлар ҳам ҳаётга татбиқ этилаётди. Хусусан, яқинда Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари Галиб институти томонидан ташкиллаштирилган семинарларда иштирок этди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети билан Ҳиндистоннинг Жавахарлал Неру номлидаги университет вакиллари ўртасида Ҳиндистоннинг иқтисо-

дий тараққиёти ва тажрибасига бағишланган қўшма семинар ўтказилиши ҳам режалаштирилмоқда. Айни пайтда Тошкент ахборот теологиялари университети негизида Ҳиндистон — Ўзбекистон ахборот теологиялари марказини очиб юзасидан ҳам муайян ишлар амалга ошириляётди. Бўла-жаз марказга мамлакатимизнинг биринчи Бош вазири Жавахарлал Неру номи берилди. Ушбу даргоҳнинг расмий очилиш маросимини Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингхнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ўтказиш ниятда.

Давлатларимиз ўртасида яқин, дўстона алоқалар ўрнатилган. Ҳиндистон Ўзбекистон сиймосида Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлай оладиган кучни кўради. Биз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам жуда яхши ҳамкорлик ўрнатганмиз.

3-бет

Дўппидўзлик ва пичоқчиликни санъат даражасига кўтарган чушлиқларга, пилла ипагини қўлбола дастгоҳлари билан сержило атласга айлантурувчи, Наманган шаҳри аҳолисига хорижлик меҳмонлар ҳам кўп бор қойил қолгани бор гап. Касаначилик фаолиятининг махсус Фармон билан ҳуқуқий асослантириб берилгани ва зарур имтиёзлар белгилангани тadbиркору хунар эгаларига ҳам моддий, ҳам маънавий имкониятлар очди.

Чортоқлик тadbиркор Оминахон Бобоева улғуржи савдо билан шуғулланувчи «Само — ҳайрат» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, унинг қошида «Орзу» деб номланган ўқув маркази очган. Асосан тикувчилик, зардўзлик, қандолатчилик билан шуғулланадиган 30 нафар қиз-жувон ўқув маркази рўйхатида. Яқин ва жамоа тартибида буюртмалар қабул қилиш билан иш олиб бораётган Оминахон мазкур Фармон асосида 25 нафар марказ аъзосини касаначи сифатида расмийлаштирди. 24 та замонавий тикув машинасининг 18 таси Зафар Дивер номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан бамаслаҳат чеварлар хонадонига келишув шартномасига асосан тарқатилди.

— Бизнинг ўқув марказимизга, шунингдек, касаначиларимизга буюртмаларнинг ортиб бораётгани бир қатор жиҳатлар билан боғлиқ, — дейди Оминахон. — Биринчидан, биз эҳтиёждаги матоларни улғуржисига олиб келишимиз, буюртмачининг танлаш имконияти кенглигига эътибор қаратамиз. Иккинчидан, бошқа субъектларга нисбатан махсуслотимиз баҳосини ҳам арзон белгилаймиз. Қишлоқ аёллари ўз жуссаларига қайси фасондаги либос яратишига унчалик эътибор қаратмайдилар. Бизнинг ўқув марказимиз, касаначилар ана шулар ҳақида ҳам маслаҳат бериб, буюртмачиларга яқин бўлиб қолишади.

Яқинда яна 10 нафар аёлни иш билан таъминлаймиз. Шунда меҳнат дафтари асасида очилиб, расман касаначилик билан шуғулланаётганлар сони 35 нафарга етади. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши билан бамаслаҳат иш олиб



«САМО — ҲАЙРАТ» ОРЗУСИ ВА КАСАНАЧИЛАР

Юртбошимизнинг касаначиларга имтиёзлар белгиланган Фармонидан кейин бизга мурожаат қилганлар қисқа вақтда 70 нафардан ортди, — дейди чортоқлик тadbиркор Оминахон БОБОЕВА

борамиз. Улар баъзи ишларимизга кўмаклашишди, маслаҳатлар берди. Улардан миннатдорман. Яқинда «Само — ҳайрат»

МЧЖга Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев бир қатор фаоллар билан бориб, жамият

қошидаги «Орзу» ўқув маркази ва касаначилар фаолияти билан танишди. 14 нафар ХДП аъзоси касаначилик фаолияти билан шу-

ғулланаётган бир бутун жамоада ХДП бошланғич ташкилоти тузилиб, рўйхатга олинди. Орзуга айб йўқ, дейдилар. «Само — ҳайрат» касаначиларининг орзуси тайёр кийим-кечаклари билан жаҳон бозорига чиқши. Энг муҳими, улар истиқболга ишонч билан астойдил изланиб ишлашмоқда.

НОСИРЖОН ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратларда: жамият директори ХДП бошланғич ташкилоти раиси О.Бобоева ва шогирдлари билан; 7 ёшли Сабохат Нишоновна ҳам чевар бўлмоқчи; моҳир чевар Нилуфар Азимова.

ШАВКАТ АКРАМОВ
олган суратлар



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг 2005 йил 26 август куни Қозон шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Чернобиль фожиясининг 20 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Мурожаати қабул қилинган эди. Куйида ана шу Мурожаат матни эълон қилинмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг Чернобиль атом электр станциясида рўй берган авариянинг 20 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар МУРОЖААТИ

2006 йил 26 август куни Чернобиль атом электр станциясида авария юз берганига 20 йил тўлади. У етказган зарари ва оқибатлари қўлами жиҳатдан XX асрнинг энг йирик техноген радиацион фожияси ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари Чернобиль аварияси оқибатларини ёдга олган ҳолда, ушбу фожия юз берган сана муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар халқларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларга, бутун жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилади.

Мазкур авария натижасида ўзини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмаган, бу қандай қулфат эканлигини қийинчилик билан тушуниб етган миллионлаб одамлар бу мусибатдан танг ҳолга тушди. Кўпгина оилалар уй-жойидан айрилди, тирикчилик манбаидан маҳрум бўлди, одатдаги турмуш тарзи ва шароитини ўзгартиришига тўғри келди.

Чернобиль атом электр станциясида рўй берган фожия оқибатларини тугатишда қатнашган юз минглаб одамлар — ҳамюртларимиз жасорат ва жонбозлик кўрсатганида фалокат қўлами мислсиз даражада катта бўлиши мумкин эди. Улар ўз ҳаёти

ва соғлигини хавф остига қўйиб, ўз бурчинини адо этдилар ҳамда одамларни радиационинг ҳалокатли таъсири ва янада кенг тарқалишидан ҳимоя қилдилар.

Фожия оқибатларини бартараф этиш борасида ўша вақтнинг ўзида ва кейинги йилларда факулдада катта харажатлар талаб қиладиган чоралар қўрилганига қарамай, Чернобиль атом электр станцияси ҳамон Европа марказидаги катта хавф манбаи бўлиб қолмоқда. Бу таҳдидни яқин вақт ичида ва энг янги технологиялар асосида камайтириш бизнинг умумий манфаатларимизга мос келади. Шу муносабат билан жаҳон ҳамжамиятининг илмий-техникавий ва молиявий салоҳиятини марказлаштирган ҳолда мазкур «Елик» объект хавфсизлигини мустаҳкамлаш масаласига йўналтириш зарур.

Ҳозирги босқичда зарарланган ҳудудларни комплекс тарзда радиацион ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тиклаш ушбу даҳшатли фожия оқибатларини бартараф этиш борасидаги энг долзарб муаммолардандир.

Айни пайтда зарарланган минтақаларда шароит ўта мураккаб бўлиб, бу экологик инфратузилмининг вайрон бўлгани, меҳнат ресурсларининг четта чиқиб кетгани

ва демографик муаммолар билан боғлиқ, Атроф-муҳитнинг Чернобиль атом электр станциясида юз берган фожиядан кейинги ҳолати аҳоли уяш ва фаолият кўрсатиш шароитларини чеклаб қўймоқда. Айниқса, зарарланган ҳудудларда яшаётган аҳоли ва фожия оқибатларини бартараф этишда қатнашган одамларнинг саломатлиги жиҳдий ташвиш тугдирди.

Тиклаш ишларидан кўзланган асосий мақсад — зарарланган минтақаларни барқарор ривожлантириш ва уларнинг иқтисодини кўтариш — янги ёндашувлар, илмий асосланган қарорлар, катта миқдордаги моддий харажат, халқаро ҳамжамиятнинг молиявий, техникавий ва илмий кўмагини талаб этади.

Биз Чернобиль фожиясининг қўлами мислсизлигини, кўплаб авлодлар ҳаётига таъсир ўтказиши мумкинлигини англаган ҳолда, Чернобиль атом электр станциясида рўй берган авария натижасида қурбон бўлган инсонлар хотирасини ёд этиш ва соғлигини йўқотганларга гамхўрлик кўрсатиш, мазкур қулфат оқибатларини камайтириш учун бор имкониятларимизни ишга солиш йўлидаги қатъий азму шижоатимизни маълум қиламиз.

ЎзХДП ва ёшлар

МЕН «ИСТИҚБОЛ»ГА ИНТИЛАМАН

Ҳар қандай мамлакатнинг келажиги куч қудрати, ёш авлодининг сиёсий, ҳуқуқий савияси, фаол фуқаролик позицияси ватанпарварлигига боғлиқ. Чунки, фуқаролик жамиятида давлат ҳамда жамиятни бевосита ва билвосита фуқароларнинг ўзи бошқаради. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиляётган экан, биз ёшлар, албатта, бунга тайёр бўлишимиз шарт. Бунда нафақат таълим муассасалари, ўқув юртлари, балки жамоат, ёшлар ташкилотларининг ҳам ўз ўрни, аҳамияти бор.

Мамлакатимизда ёшлар ташкилотлари мавжуд. Ёшлар марказлари, турли клублар фаолият кўрсатади. Лекин яқинда мамлакатимизда ёшларни уюштирувчи яна бир сиёсий қанот юзага келди. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ёшлар қанотидир. Мен ушбу қанотнинг таъсис конференцияси бўлиб ўтганлиги ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор

бўлдим. Кейин эса, конференция делегати бўлган дўстим билан бу ҳақда кўп бор фикрлашдик. «Истиқбол»нинг бошқа ёшлар ташкилотларидан алоҳида ажралиб турадиган томонининг сиёсий партия, яъни мамлакатимиздаги сўл сиёсий платформага эга бўлган Ўзбекистон ХДП қошида вужудга келгандир. Бунинг аҳамияти шундаки, ХДП кейинги пайтларда ёшлар масаласи, улар муаммоларининг ечимига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Дастурида мамлакатимиз келажиги ҳисобланадиган биз ёшларнинг ўзининг асосий таянчи деб эълон қилган. Иккинчи томондан, ёшларга оид ҳар қандай муаммони кўтариб чиқиш, ечимини топишга партиянинг салоҳияти етади. Биз ўзимизни қийнаётган базми масалаларни ушбу сиёсий куч орқали кўтариб, унинг қонуний ечимини топишимиз мумкин.

Бу жуда катта имконият, албатта. Ёшлар мамлакатнинг келажиги, деб кўп бор айтаман. Бу тарихий-табиий жараён. Аммо, ёшларни сиёсий жиҳатдан профессионал тайёрлайдиган механизм қарерда? Менимча, бунга ҳам «Истиқбол»ни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Энди масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Ҳўш, «Истиқбол» жуда катта режалар, орзу-умидлар билан юзага келди. Лекин, у олдидики улкан мақсадларни қай даражада амалга оширишга эриша олади? Билдирилган ишончини қай даражада оқлай олади? Бу, албатта, тенгдошларимнинг ташаббускорлигига, гайрат-шижоатига, интилишларига, қобилиятига боғлиқ. «Истиқбол» ҳам худди ХДП кундан-кунга одамлар ишончини қозониб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётганидек, «Истиқбол» ҳам ўз обрў-эътиборига, ёшлар ҳаётида муносиб ўринга эга бўлиши керак. Шундангина тенгдошларим, шу жумладан, мен ҳам дотим «Истиқбол»га интиламиз.

Улуғбек ХОЛИҚОВ,
Тошкент молия институти III курс талабаси

ЯНГИ КИТОБ ДЎКОНИ

Кейинги пайтда Термиз шаҳрида юртимизда чоп этиляётган янги китоблар ва уларни харид қилиш мумкин бўлган савдо дўконлари камайиб кетган эди. Шаҳар ҳокимлиги аҳолининг ана шундай эҳтиёжини қондириш мақсадида хайри ишга қўл урди. Анча эскириб қолган икки қаватли «Китоблар уйи» замон талаблари асосида қайта таъмирланди.

Янги бинода «Шарқ зиёкори»нинг Термиз филиали иш бошлади. Энди сурхондарёликлар янги китоблардан ўз вақтида баҳраманд бўлишади. Мазкур марказда биринчи кўнгиёк 30 миллион сўмлик турли бадиий ва илмий адабиётлар, ўқув қуроллари ва бошқа махсуслотлар сотувага қўйилди.

Г.САИДМАЛИКОВ,
(ЎЗА)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
K'O'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bijra@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

МАФКУРА ТАРҒИБОТИ САМАРАЛИ БЎЛСИН

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИНИНГ ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН ПЛЕНУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИ БИР ЕРДАН ЧИҚДИ

Пленумда Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленумининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси мафкурасини ривожлантириш ва партия ташкилотлари мафкуравий ишлари самардорлигини оширишнинг устувор вазифалари тўғрисида»ги қарорини баҳарий юзасидан вазифалари ҳақида вилоят кенгаши раиси Раимбергн Сабуров маъруза қилди.

алоқалар деярли ўрнатилмаганлиги айтиб ўтилди. Маъруза юзасидан музокараларда партия мафкурасини омма орасида кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ таклифлар ўртага ташланди. Ибодулла БОЙЖОНОВ, Урганч курилиш касб-хунар коллежи директори: — Тўрт йилда ўқув юртимизда кўплаб китоб, альбом, кўргазмали қуроллар тайёрланди. Биргина Миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш юзасидан тайёрланган таъсирчан плакатлар тўплами ёшларимизга мустақиллик ғояларини тезкор ўзлаштиришда ёрдам берди. Партия ташкилотлари ҳам тарғибот-ташвиқотда шундай воситалардан кенг фойдаланишлари керак.

бўй кўрсатади. Айтилган гаплар мажлис залларида қолиб кетмайдми. Ленинза АСҚАРОВА, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси, партия вилоят кенгаши қошидаги аёллар қаноти етакчиси: — Тан олиш керак кўпгина жойларда тўйларимизда дабдаба, ичкиликбозликка ҳамон барҳам берилмаган. Афсуски, шу борада айрим раҳбарлар бошқаларга «ўрнак» бўляпти. Бу баъзан мафкура борасида тарғибот-ташвиқотда шундай қарорлар қабул қилинади. Пленумда мафкура жараёни ривожлантириш, Президентимизнинг шу йил 3 апрелдаги «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий, маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларини таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарь вилоят кенгаши Қарши шаҳридаги 5-меҳрибонлик уйда ўтказган тадбир худди шундай номланди. Унда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, «Қўрғонча» маҳалласида истикомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирок эттиди. Мазкур тадбирга Сохибахон Азизова хомийлик қилди. У Халқ демократик партияси аъзоси. Мана 4 йилдирки, касби туманидаги Қоратепа кишлоғида 30 гектар ер майдонида

деҳқончилик қилмоқда. Ҳар йили қатор хайрия тадбирларида хомийлик қилади. Бугун ҳам болаларга ўқув қуроллари ва бошқа совғасаломлар улашди. — Шу маскан тарбияланувчилари аҳволидан мунтазам хабар олиб туришни ният қилганман, — дейди Сохибахон. — 10 гектар ерда бог яратганимиз. Ундаги турли мевади дарахтлар ҳосилга кирди. Ёз фасли давомида богда пишган мева-чеваларнинг энг сарасини болажонларга тортиқ этилди.

Пленум ишида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шарбат Абдуллаева қатнашди ва сўзга чиқди. Рузимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Навоий шаҳрида ўндан ортиқ йирик саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорига эга. Жорий йилнинг биринчи чорагида шаҳарда ялпи савдо айланмаси 59,3 миллион АҚШ долларини, шундан 18,9 миллионини экспорт маҳсулотлари ташкил этди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори. Четга маҳсулот сотишда Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Навоийазот», «Навоий-Электромеханика», «Қизилқум сазовати», «Навоий — Аскомж» каби ўнлаб корхоналарнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Навоийлик саноатчилар ишлаб чиқариш салмоғини ошириш билан бирга экспорт маҳсулотлари турини янада кўпайтиришга аҳд қилишган. Йил охиригача вилоят бўйича 145,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Ижодкорнинг «Афсона», «Онанинг сабри», «Ҳаёт», «Сукунат», «Овчининг фарёди» каби қатор янги асарлари, «Туш», «Тазарру» туркумлари ўзининг мафтуноқдорлиги билан ҳар бир томошабинни бефарқ қолдирмайди. Истеъдод соҳиб Абдугани Жумаевнинг ноёб асарлари Хитой, Япония каби мамлакатларда кўргазмаларда ҳам намоиш этилиб, мухлислар томонидан илқ кутиб олинган.

Эркул УМАР, ЎзА мухбири

Юнус ЗИЁДОВ

ЎзХДП: Сиёсий мафкурада жамият ва электорат манфаати

... ЎзХДП туман кенгаши ижроия кўмитаси аъзоси Хадича Ибодуллаева ҳозир қайси лавозимда ишляпти? — сўрадик телефонда қисқа салом-алиқдан сўнг туман ҳокими, «Дўстлик» ордени соҳиб, ЎзХДП аъзоси, сенатор Аҳмет Иброҳимовдан. — Хадича Ражаббеовна ҳозир ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси... Тинчликми? — Тинчлик. Ёзма равишда сўраган маълумотларимизни бизга вақтида юбордилар, раҳмат айтиб қўймоқчийдик... Ўзлари билан ҳам ҳозир бирвос боғланишининг имкони бўлармикан? — Жуда бўлади-да! — овозидан ҳокимнинг кайфияти кўтарилгандек бўлди. — Сиз гўшакни қўймай туринг, мен ҳозир коммутаторга айтаман, улаб беришадими. — Алло, Хадича Ибодуллаевани уладик, гапланин, — жавоб бўлди коммутатордан. — Сўраган маълумотларингизни имкон борича тўплашга, баҳоли-қудрат қоғозга туширишга ҳаракат қилдим, қолганига уэр... — иймангандек оханда сўз бошлади Ибодуллаева. — Яхшики, Тўрткўлга келинг, ўз кўзингиз билан кўрасиз, яхши ишларимиз кўп...

173 минг нафарли туманимиз ахлининг 83 минг нафардан зиёдроғи хотин-қизлар... Тадбиркорлик, ишбилармонлик зўр кетапти, қўшма корхоналар очаяпти, янги-янги муқим иш жойлари яратилапти... Ҳаммасида хотин-қизларнинг ўрни, ҳиссаси бор... Ўқубонлариси, уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари... ЎзХДП Тўрткўл туман кенгаши эса республикамиз туманлари ичида йирик ва анча салоҳиятли кенгашлардан... Келсангиз, танишардингиз... Маълумотномадан кўчирма: «...Туманда 367 нафар ишбилармон хотин-қизлар бўлиб, шундан 122 нафари яқна тадбиркорлик билан шуғулланади. Аҳамиятлиси шундаки, 2004 йилда 30 та фермер хўжаликка аёллар раҳбарлик қилган бўлса, 2005 йил якуни бўйича уларнинг сафи 62 нафарга етди. Ҳаммаси ҳам давлатга пахта, пилла, бугдой, гўшт, сўт, балик, мева-сабзавот топшириб, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва туман иқтисодийетини ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқда.

Туманда паррандачиликни ривожлантириш йўлида 4 та корхона ташкил этилиб, янгидан 14 нафар аёл иш билан таъминланди. Бугун 8 та фермер хўжалиги ва тармоқ кичик корхоналарида 24 нафар хотин-қиз парранда боқарлик қилишляпти. Уларга яқинда парвариллашлари учун яна 3000 га яқин парранда тарқатилди. Ҳаммасининг хаёлида эзгулик, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тўқислиги... — ...Гулнора Полвошева 51 нафар кишига, Зухро Сержанова 12 та оmlага аёл бошлари билан иш жойлари очган бўлсалар, тўрткўллик аёллар жонли экан... — мактадан бўлдиқ, — маълумотномада келтирилган мисолларингизга яна қўшимчаларингиз борми? — Бор. Ундан олдин бир гапни айтиб қўяй: яқинда эшитдим, Самарқандда (Самарқанд туманининг Хишров кишлоғида бўлса керак) Ориф деган (шарифи ёдимда йўқ) кўзи ожиз йигит тадбиркорлик йўли билан 20 нафар кишини иш билан таъминлабди. Ишона-

малари ҳозирок банклардан имтиёзли кредит олиб, самарали фаолият бошладилар. Шифокор Ёқутжон Ишмуратова бошқараётган «Динур» соғломлаштириш марказига Миллий банк томонидан янги иш ўринлари яратиш, аҳолини сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 100 миллион сўм маблағ ажратилди ҳамда 30 нафарга яқин аёл-қиз иш билан таъминланди. Улар учун кредит ҳисобидан чет давлатларда ишлаб чиқарилган турли замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди... Маълумотномадан кўчирма: «...Тадбиркор Зухра Қаландарова раҳбарлик қилаётган «Mini Tex» хусусий корхонасида (ўз маблағи ҳисобига) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 10 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Келгусида у имтиёзли кредит эвазига корхона ишини янада кенгайтиришни режалаштирган. Зулфия Худайбергенова раҳбарлик

бўйича ишлаб чиқилган дастлабки лойиҳаларни амалиётга жорий этишга киришди. Дастлаб у аёлларнинг ишлаш ва ишлаш шароитларини ўрганиб чиқди. Сўнгра Жаҳон банки мутахассислари кўмағида «Шураҳон», «Намуна», Я.Эламанов номли, Ш.Рашидов номли хўжаликларда янги туртзорлар барпо этиш чораларини кўрди. Уларда ипак курти боқиш ва ипакни қайта ишлаш масалалари бўйича суҳбатлар ўтказди. 3 нафар пиллакоримизга Марғилонда ўтган ипакчилик семинар-кенгашида қатнашганларига имкон яратиб берди. Айни пайтда хусусий тадбиркорларимизга шойи, атлас, адрес, гилам, бўз тўқуш шартлоғларини ҳам туғдирмоқда. Келгусида яна 100 нафардан кўпроқ хотин-қизларни муқим иш жойлари билан таъминлаш режалари бор... — Сиз, шахсан ўзингиз, ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси ва ЎзХДП туман Кенгаши ижроия кўмитаси аъзоси сифатида тўрткўллик аёлларнинг бундай фаоллиги, бунёдкорлиги ва соғлом муҳит билан яратувчанлик руҳиятига интилимларини нималарнинг самараси деб таърифлаган бўлардингиз? — Ўйда ўтирган кўплаб аёллар билан гурунглр қилганимда, деярли ҳаммасида ишга иштиқмандликни, ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтиришга бўлган орзу-ваъосини ва ҳатто сиёсий партиялар фаолиятида қатнашиш истаклари борлигини пайқанганман... Бу иштиқ, бу орзу-хаваас ва бу истакни шакллантиришда, шубҳасиз, жойларда сиёсий партиялар томонидан олиб борилаётган сиёсий мафкуранинг тарбиявий вазифаси катта аҳамиятга эга. Масалан, бизда ЎзХДП туман кенгаши ва БТПлар аҳоли ўртасида мунтазам фуқаролик маърифати суҳбатлари олиб боришляпти. Мақсад — ўз электоратини, айниқса ёшларда демократик жамиятнинг фуқаролик ҳулқи кўникмаларини шакллантиришдир.

ТЎРТКЎЛ АЁЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭЗГУ ХАЁЛЛАРИ

«Жамият ва Мен» танловига

сизми, боғларни, дарахтларни ўз қўли билан ушлаб кўриб, ҳосилдор шохларни қолдираркан-да, ортиқчаларини хомток қилиб ташларкан... Юраги ўтлешудли кишики, кўзи ожиз бўлса-да, 20 нафар кўзи очикларга иш жойи очиб берибди... Нега энди бизнинг тўрткўллик аёлларимиз бу ишларни улдлашмас экан!? Тўғриси, шу хабарни эшитиб, қўлоқ-

қилаётган «Офис маркет» хусусий корхонасида ҳам 10 нафар киши иш билан банд бўлди. Асосан мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган мазкур корхонанинг йиллик сўф фойдаси 2 миллион сўмдан ошди. ...Бугун туманда 51 нафар аёл-қиз яқна тартибдаги ишбилармонлик билан шуғулланмоқда. Уларнинг 21 нафари савдо-сотик, 7 нафари тикувчилик, 5 нафари ун теғирмони, 5 нафари озик-овқат, қандолатчилик, 1 нафари авто-теххизмат, 2 нафари аҳолига маиший хизмат турига ихтисослашган масканларда фаолият кўрсатмоқдалар. Утган йили тадбиркор хотин-қизларга Миллий банк — 116 миллион сўм, «Тадбиркорбанк» — 3 миллион 770 сўм, «Савдогарбанк» — 28 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратди... «Пахтачи-овул» фуқаролик йиғини худудидаги фойдаланилмай ётган бинода (ҳокимлик ёрдами билан!) Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ЮНЕСКО ташкилоти кредити ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ ажратилиб, «Хушнуд-макон» оилани ижтимоий химоя қилиш маркази ташкил этилди ва 40 нафар хотин-қиз муқим иш жойларига эга бўлдилар. Марказ қошида ишлаб турган тикувчилик цехида 12 нафар хотин-қизга қўшимча касб-хунар ўргатилди. Шунингдек, «Ўзбекистон — Америка — Тўрткўлтекс» корхонаси ишга тушиши билан ҳам 200 нафар хотин-қиз ишли бўлишди... Хуллас, хотин-қизларни иш билан таъминлаш — ҳудудий Дастуримизга кўра, 2005 йилда 1400 нафар режалаштирилган бўлса, амалда у 1627 нафарга бажарилди... — Хадича Ражаббеовна, бизга берган маълумотномангиз сўнггида: «...тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар ҳуқуқ-манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг кучларини бирлаштириш мақсадида 2005 йилнинг июнь ойда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси Тўрткўл туман филиалини очдик» дегансиз... — Ҳа, мазкур филиал ҳозир кишлоқларда аёлларни иш билан таъминлаш борасида ипакчиликни ривожлантириш

Утган йили тадбиркор хотин-қизларга Миллий банк — 116 миллион сўм, «Тадбиркорбанк» — 3 миллион 770 сўм, «Савдогарбанк» — 28 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратди... «Пахтачи-овул» фуқаролик йиғини худудидаги фойдаланилмай ётган бинода (ҳокимлик ёрдами билан!) Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ЮНЕСКО ташкилоти кредити ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ ажратилиб, «Хушнуд-макон» оилани ижтимоий химоя қилиш маркази ташкил этилди ва 40 нафар хотин-қиз муқим иш жойларига эга бўлдилар. Марказ қошида ишлаб турган тикувчилик цехида 12 нафар хотин-қизга қўшимча касб-хунар ўргатилди. Шунингдек, «Ўзбекистон — Америка — Тўрткўлтекс» корхонаси ишга тушиши билан ҳам 200 нафар хотин-қиз ишли бўлишди... Хуллас, хотин-қизларни иш билан таъминлаш — ҳудудий Дастуримизга кўра, 2005 йилда 1400 нафар режалаштирилган бўлса, амалда у 1627 нафарга бажарилди... — Хадича Ражаббеовна, бизга берган маълумотномангиз сўнггида: «...тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар ҳуқуқ-манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг кучларини бирлаштириш мақсадида 2005 йилнинг июнь ойда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси Тўрткўл туман филиалини очдик» дегансиз... — Ҳа, мазкур филиал ҳозир кишлоқларда аёлларни иш билан таъминлаш борасида ипакчиликни ривожлантириш

Утган йили тадбиркор хотин-қизларга Миллий банк — 116 миллион сўм, «Тадбиркорбанк» — 3 миллион 770 сўм, «Савдогарбанк» — 28 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратди... «Пахтачи-овул» фуқаролик йиғини худудидаги фойдаланилмай ётган бинода (ҳокимлик ёрдами билан!) Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ЮНЕСКО ташкилоти кредити ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ ажратилиб, «Хушнуд-макон» оилани ижтимоий химоя қилиш маркази ташкил этилди ва 40 нафар хотин-қиз муқим иш жойларига эга бўлдилар. Марказ қошида ишлаб турган тикувчилик цехида 12 нафар хотин-қизга қўшимча касб-хунар ўргатилди. Шунингдек, «Ўзбекистон — Америка — Тўрткўлтекс» корхонаси ишга тушиши билан ҳам 200 нафар хотин-қиз ишли бўлишди... Хуллас, хотин-қизларни иш билан таъминлаш — ҳудудий Дастуримизга кўра, 2005 йилда 1400 нафар режалаштирилган бўлса, амалда у 1627 нафарга бажарилди... — Хадича Ражаббеовна, бизга берган маълумотномангиз сўнггида: «...тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар ҳуқуқ-манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг кучларини бирлаштириш мақсадида 2005 йилнинг июнь ойда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси Тўрткўл туман филиалини очдик» дегансиз... — Ҳа, мазкур филиал ҳозир кишлоқларда аёлларни иш билан таъминлаш борасида ипакчиликни ривожлантириш



Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг яхши ривожланганлигини биргина таълим соҳасидаги алоқалардан ҳам билиш мумкин. 1992 йилда пойтахтимизда Корей таълим маркази иш бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида корей тили ва маданияти марказ-

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривож топиб бормоқда. Маълумки, Президентимиз Корея Республикаси Президенти Но Му Хёнининг таклифига биноан шу йилнинг 28-30 март кунлари давлат таширифи билан Корея Республикасида бўлди. Юртбошимизнинг бу галги таширифи икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Энг аҳамиятлиси, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Шунингдек, Сеул музокаралари якунида молия, савдо ва сармоя, саноат, нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳолини иш билан таъминлаш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир қирқдан зиёд ҳужжат имзоланди.

ятидан сабоқ бериш билан бир қаторда ўзлари ҳам Ўзбекистоннинг урф-одатлари, маданиятини ўрганиб, ўз юртиларига қайтгач, ўзбек маданиятини корей халқига таништиришади. 2000 йилда КОИСА Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига дастлабки корей тили ўқитувчиларини юборган эди. 2005 йилда эса уларнинг сони 9 нафарга етди. Шу йилнинг

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг яхши ривожланганлигини биргина таълим соҳасидаги алоқалардан ҳам билиш мумкин. 1992 йилда пойтахтимизда Корей таълим маркази иш бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида корей тили ва маданияти марказ-

ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ёрдамида ташкил этилди. — Гулдон БОҚИЕВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети проректори: — Университетимизда корей тили 1994 йилдан бери ўқитилади. Бугун «Корей филологияси» кафедраси очилди, келажакда

маълумотида тахсил олаётган 185 нафар талаба бу тилни ўқи-ўрганишмоқда. — Квон Ёнг И, Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори: — КОИСА волонтерлари Ўзбекистондаги талабаларга корей тили ва мадани-

Бу йил мен учун жуда омадли келди. Чунки 1 апрелда корей тили бўйича ўтказилган «Нотиклик санъати» танловиди иштирок этиб, голибликни қўлга киритдим.

Маълумотида МАХМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: «Корей филологияси» кафедрасининг очилши маросимидан навлалар. Шавақ АҚРАМОВ олган суратлар

Ватан ҳимояси — олий шараф

ЧЕГАРАЧИ БЎЛАМАН

дейди ўртачирчилик Шерзод Бойжигитов

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йигин пунктда...



Ўтказишди. Танловда муваффақиятли ўтишимда спорт билан шуғулланган...

хизматга кетаётганимдан жуда хурсандман, — дейди ўртачирчилик Шерзод Бойжигитов...

— Биз чегара қўшинларига сара ўғлонлар ичидан энг сараларини танлаб олиб жўнатамиз...

Комилжон ҲАСАНОВ

Спорт

ЎЗБЕК КУРАШНИНГ АФРИКА ҚИТЪАСИДАГИ ОДИМИ

Африка Кураш конфедерациясидан ажойиб хушхабар олдик. Олис Зимбабве давлати пойтахти Хараре шаҳрида Африка қитъаси жанубий ҳудуди мамлакатлари ўртасида кураш бўйича навбатдаги чемпионат бўлиб ўтди.



Мусобақада Зимбабве, Ангола, Ботсвана, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси ва Замбия давлатлари спортчилари иштирок этишди. Чемпионат Хараре шаҳридаги мухташам «Италиан» спорт клуби биносидан бўлиб ўтди.

Чемпионатнинг финал баҳслари нақ олти соат давом этганидан кейин ўзбекистонлик курашчилари муваффақият билан чемпионлик қўлини кўтаришди.

Жиноятга жазо муқаррар

ЎЧ ОЛИШ ВАСВАСАСИ

ЁХУД ЎТТИЗГА КИРМАГАН ЙИГИТНИНГ ҚОТИЛЛИК СОДИР ЭТГАНИ ХУСУСИДА

Бегуноҳ одамнинг қонини тўкиш, қотилликка қўл уриш энг оғир жиноятлардан ҳисобланади. Шунинг учун дунёдаги барча мамлакат қонунларида...

тушиб қолди. Кечга яқин «Бирлик» маҳалласида жойлашган «Дониёр ота» қабристонига борди. У ерда Мирзохид отани кўриб, «кайфияти» бузилди.

душман эди. Мана, ҳозир унга доим дакки берувчи чол олдида турибди. Эргаш аввал бобони хўп ҳақоратлади. Кейин дўппослашга тушди. Қўлошқондан чиқиб қабристонда бақриб-чақирди.

Мирзохид отани пичоқлаб қўйганини валдирай бошлади. Бу хабарни эшитиб, тун қоронғисидан қабристонга етиб борганлар қабр қучоқлаган Мирзохид отанинг жасадини топишди.

ШЕВЧЕНКО «ЧЕЛСИ»ГА ЎТАРМИКИН?

Италиянинг «Милан» футбол клуби моҳир тўпурари Андрей Шевченко кўпдан бери «Челси» жамоаси соҳибни Роман Абрамовичнинг уни Англияга олиб ўтиш ҳақидаги таклифларини рад этиб келарди.



ага олиб ўтишда муҳим рол ўйнамоқда. Испаниянинг «АС» наشري хабарига қараганда, «Алдидас» Германия терма жамоаси сардори Михаэл Баллакни «Челси»га ўтишга кўндирган.

АНГЛИЯ ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ НЕМИСЧА СЎЗЛАШМОҚЧИ

Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги мамлакат футбол фанатларини Германияда бошланган жаҳон чемпионатида эркин сўзлашиб, бўш вақтларини марокки ўтказишлари учун чоратадбирлар кўрмоқда.

ташқари, ана шу сайтдан инглизча-немисча футбол сўзлари, турли ҳажвлар ва ривоятлар ҳам жой олган.

Кизиғи шундаки, бундай қулайликлардан фойдаланган инглиз мухлислари немисча сўзлашиб: «Мархамат, пиво!», ёки «Сизнинг боғингизда чодир тиклаш мумкинми?» каби ибораларни бе-малол айта олар эканлар.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Муртозов кўчаси, 40-уйда жойлашган МЧЖ «Виртхетранс»га қарашли «Отоу'1 М 29» русумли, давлат рақами 10 АГ 472 бўлган автоуловга шахарлараро йўловчи ташиш учун берилган АТ 0371249 рақамли лицензия варақаси йўқолиши сабабли ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ЧҚ 9784-ҲАРБИЙ ҚИСМИ

«Жиззах вилояти, Равот аҳоли пунктидаги 9784-сонли ҳарбий қисм кинология марказида 10 та хизмат итлари учун итхона қуриш (6 та объект) объекти бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2006 йил 1 декабр. Бюджет манзили — Жиззах вилояти, Равот аҳоли пункти. Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва воқолатларига эга, ўхшаш ишшоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

— Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66. Бир тўпلام танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисида тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соатига. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Хабар тартиб рақами 09. Умумий мажлис тури — акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси. Умумий мажлис ўтказилган вақт — 2006 йил 14 апрель. Умумий мажлис ўтказилган манзил — Юнусобод тумани ҳокимлиги мажлислар зали. Умумий мажлисда қатнашганлар — 42460 та овозга эга 19 та акциядор. Қворум — 83,42%. 1. 2005 йил якуни бўйича жамият иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

«ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Соф фойда режада — 18812,5 минг сўм. Соф фойда амалда — 18900,6 минг сўм. Жамият захира фондига — 5% — 945,0 минг сўм. Қузатув кенгаши аъзолари учун тўланадиган мукофот — 1496,248 минг сўм. Бошқарув раисига биринчи ярим йиллик учун мукофот нули — 139,195 минг сўм. Дивиденд учун — 16320,2 минг сўм, ҳар бир акцияга 320,63 сўм. 2005 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби қуйидагича тасдиқлансин: Соф фойда режада — 11398,7 минг сўм. Соф фойда амалда — 10790,7 минг сўм. Жамият захира фондига 5% — 539,5 минг сўм. Дивиденд учун — 9401,4 минг сўм, ҳар бир акцияга 184 сўм 70 тишдан дивиденд 60 кун ичида берилсин.

ражатлар сметаси тасдиқлансин. 10. 2005 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «Назар аудит» аудиторлик фирмаси тасдиқлансин ва унга бериладиган хизмат ҳақи 300000 сўм деб белгилансин. 11. Жамият Кузатув кенгашининг таркиби қуйидагича тасдиқлансин: 1. Мусаев Б.С. 2. Мирхайдаров Ф. 3. Мухамедходжаев А. 4. Сағдуллаев Л. 5. Исмаилов Т. 6. Кайрапов А. 7. Тошпўлатов Х. 8. Зокиров Б. 9. Исмаилов Р. 12. Тафтиш комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин: 1. Абухович Д. 2. Юлдашева К. 3. Қосимова С. 13. Жамият Низомининг янги тахрири тасдиқлансин ва туман ҳокимлиги рўйхатидан ўтказилсин. Хабар тартиб рақами 05. Жамият акциядорларининг хиллари — эгаси эълан. Акцияларнинг турлари (тоифали) — оддий. Ҳар бир акцияга ҳисобланган 184 сўм 70 тиш дивиденд 60 кун муддат ичида тўланади.

8. Бошқарув раиси этиб М.З.Адилов номзод тасдиқлансин. 9. Жамиятнинг 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва х...

8. Бошқарув раиси этиб М.З.Адилов номзод тасдиқлансин. 9. Жамиятнинг 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва х...

Advertisement for Bosh Muharrir, Safar Ostonov, and other services. Includes contact info and a list of services like 'Siyosat, partiya va xalqaro hayot'.